



Гўзалхон ИСАКОВА
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти

ФРАНЦУЗ АДАБИЁТИДАГИ ҚАНОТЛИ СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИКАСИ ХУСУСИДА

Қанотли сўзлар миллий ва дунё маданиятларида катта ўринга эга. Улар машхур файласуфлар, олимлар, ёзувчилар ва давлат арбоблари томонидан айтилган фикрларнинг сайқаланган шаклидир. Бу сўзлар – нутқда образли ифода бўлиб келади. Қанотли сўзлар хикматга бойлиги, кенг қамровлилиги, маънодорлиги, қўлланиш доирасининг кенглиги ва аниқ манбага эга эканлиги билан ажралиб туради. Ушбу мақолада француз адабиётидан олинган қанотли ҳақида сўз юритилади.

Крылатые слова играют большую роль в национальной и мировой культуре. Они родились в результате высказываний великих философов, учёных, писателей, государственных деятелей. Крылатые слова употребляются в речи как средство образного выражения речи. Крылатые слова отличаются афористичностью, широкоохватностью, широкоупотребительностью и наличием точных источников. В статье говорится о крылатых словах, взятых из французской литературы.

Popular expressions have a great role in the national and the world culture. They are the sayings of great philosophers, scientists, writers and statesmen. They are used as graphic quotations and exact expressions. Popular expressions are used as the means of figurative expressions. Popular sayings differ with their aphoristic character, content, wide usage and exact origin. In this article the popular expressions which were taken from the French literature and have deep meanings, real and characteristic imageries, as well as difficult and certain expressions are discussed.

Калит сўзлар: қанотли сўз, образли, психологик, афористик, кенг қамровли, лўнда.

Ключевые слова: крылатые слова, образный, психологический, афористичность, широкоохватность, лаконичность.

Key words: popular expressions, figurative, psychological, aphoristic, wide usage, conciseness.

Қанотли сўзлар миллий ва дунё маданиятида алоҳида ўринга эга бўлиб, улар сайқалланган формада машхур файласуфлар, олимлар, ёзувчилар ва давлат арбобларининг фикрларидир. Улар нутқда образли цитата сифатида фойдаланилаётган аниқ ифодалар, алоҳида иборалардир. *Қанотли сўзлар* тилга яхлит ҳолда кирган ва улардан ижтимоий, маиший, психологик кўринишларнинг ифодали тавсифи сифатида фойдаланилади.

Француз адиби Франсуа Рабленинг машхур “*Gargantua et Pantagruel*” асаридан олинган кўплаб қанотли сўзлар французлар нутқида фаол қўлланилади. Бу эса асарнинг инсонлар қалбидан муносиб жой олганлигини кўрсатади. *Arriver en trois bateaux*. Асарда берилишича Гаргантюанинг бияси денгиз орқали учта катта ва битта кичик кемада олиб келинади. Шунга кўра иборани французлар “ғайритабиий тантана билан келмоқ” маъносида қўллашади.

Moutons de Panurge. Ибора асар персонажларидан бири Пануржнинг қўй сотувчи Динденолет билан бўлиб ўтган бир жанжалига ишора қилади. Жанжал очик денгиздаги кемада рўй беради. Панурж сотувчининг ҳақоратлари учун ўч олиш мақсадида ундан битта қўй сотиб олади ва уни денгизга отиб юборади. Шунда бутун қўй тўдаси унинг орқасидан кетади. Сотувчи энг охириги қўйни ушлаб қолмоқчи бўлганда, ўзи ҳам у билан денгизга тушиб кетади ва чўкиб ўлади. Ҳозирда *Пануржнинг қўйлари* кўпчиликка кўр-кўрона эргашиб кетиш, яъни “онгсиз тўда” маъносини англатади.

Mule du rare. Ибора асардаги хўрланган, еган зарбалари учун қасос олишга тайёр хачирга ишора қилади. Шундан келиб чиқиб *паннинг хачири* “кек сақлайдиган одам” ни ифодалайди.

C’est la cour du roi Pétaud. Муаллиф асарда қирол Пето ва унинг аъёнларини “тиламчилар уюшмаси” сифатида тасвирлайди. Қиролнинг номи лотинча *petere*, яъни “садақа сўрамоқ” маъносини англатишини айтади. Ҳозирда ибора “тартибсиз жой” маъносини билдиради.

Шунингдек, *Boir comme un templier* ифодаси “ҳаддан ташқари кўп ичмоқ”; *Faire l’âne pour avoir du bran* ифодаси “аҳмоққа аҳмоқларча бўлмоқ”; *Manger son blé en herbe* ифодаси “бутун кучини, бойлигини олдиндан сарфлаб бўлмоқ”; *Manger son pain blanc le premier* ифодаси “энг яхшисидан ёки энг осонидан бошламоқ”; *Mettre la charrue devant les boeufs* ифодаси “тескарисига бажармоқ”; *Planter des choux* ифодаси “осойишта ва ўтроқ ҳаётдан завқланмоқ” каби ифодалар ҳам ушбу асардан олинган.

Quart d'heure de Rabelais. Ушбу ибора Рабле ҳаётидаги бир кўринишга ишора қилади. Раболе Римдан қайтаётиб бир карвонсаройда тўхтади. Тўлаш учун пули йўқлиги сабабли хонасининг ҳар бурчагига “Қирол учун захар”, “Қироллича учун захар” деб ёзилган қоғозлар қўяди. Буни кўриб кўрқиб кетган карвонсарой эгаси полиция чақиради. Рабле ушланади ва Парижга жўнатилади. Қирол Рабленинг шароитдан келиб чиқиб ишлатган найрангини тушуниб етиб, уни кечиради ва кечки овқатга ушлаб қолади. Шунга кўра *Рабленинг чорак соати* “тўлаш вақти”ни билдиради.

Ўша даврларга мансуб Патлен ҳақидаги кичик бир ҳажвий пьесадан олинган қанотли сўзлар ҳам французлар нутқида фаол қўлланиланади. *Retourner (revenir) à ses moutons.* Ибора асардаги бир кўринишга ишора қилади. Адвокат Патлен савдогардан қарзга газлама олади, лекин баҳоналар қилиб қарзини тўламайди. Бу орада савдогар чўпонни қўйларини ўғирлаганликда айблаб судга беради. Суд жараёнида қарздор адвокатнинг чўпонни ҳимоячиси эканлигини кўриб довдираб қолади ва далилларни чалкаштириб юборади. Қўй ўғирланганлиги ҳақида гапириш ўрнига, Патленнинг алдагани ҳақида гапира кетади. Газламалар савдоси билан чалкашиб кетган судья уни *ўз қўйларига қайтишига*, яъни кўрилаётган масалага қайтишга чақиради. Шундан келиб чиқиб ибора “ўз мавзусига қайтиш”ни англатади. Шунингдек, асарнинг бош қаҳрамони адвокат Патлен характеридан келиб чиқиб *C'est un patelin* ибораси иккиюзламачи ва айёр шахсларга нисбатан қўлланади. *Faire le patelin* ибораси эса “иккиюзламачилик қилмоқ” маъносини беради.

Қанотли сўзларни ўрганар эканмиз, улар орасида XVII аср ижодкорларига мансуб ифодалар француз тилида салмоқли ўрин тутиши кўзга ташланади. Айниқса, машҳур француз масалшуноси Ла Фонтен масаллари бу борада етакчи ўринда туради. Ла Фонтен қаҳрамонлари асосан ҳайвонлар бўлиб, улар ёрдамида инсонларда учрайдиган камчиликлар, кундалик турмушда дуч келинадиган ҳолатлар қизиқ ва лўнда очиб берилган. Унинг персонажлари тилидан айтилган сермазмун ифодалар ҳозирда *қанотли сўзлар* сифатида француз тилида фаол қўлланилмоқда.

Ane de la fable (Les animaux malades de la Peste). Ҳикоя қилинишича, шер барча ҳайвонларга ўлатдан сақланиш учун хатоларини тан олишларини таклиф қилади. Шунда ёлғизгина эшак яширинча бир тутам ўт еганини тан олади ва шер уни ўлимга маҳкум этади. Шунга кўра, ибора устига барча хатоликлар тўкиб ташланган ва барча бахтсизликларда айбланувчи одам, яъни “балогардон” маъносида қўлланилади.

Attacher le grelot (Le conseil tenu par les rats). Бир куни каламушлар мушукнинг йўқлигидан фойдаланиб, унинг тишларидан, панжаларидан қандай сақланишни ҳал қилиш учун тўпланишади. Каламушларнинг бошлиғи мушукнинг яқинлашаётганлигини сезиш учун унинг бўйнига қўнғироқ осиб қўйишни таклиф қилади. Бу ҳаммага маъқул бўлади, лекин ҳеч ким буни бажаришга журъат қилолмайди. Натижада улар ҳеч нарсага келиша олмай тарқалиб кетишади. Ҳозирда *қўнғироқ осмоқ* ибораси “бирор қийин ва хавфли ишда биринчи қадам қўйиш” маъносини англатади.

Coup de pied de l'âne (Le Lion devenu vieux). Масалда бир қари, кучдан қолган, ночор шер от тепкисини, бўри ҳамласини, буқа шохи зарбасини олиб яна у томон тепиш учун югуриб келаётган эшакни кўради. Эшакнинг тепкисидан шер ўлади. Кўчма маънода *эшакнинг тепкиси* энди кучи ва имкониятидан кўркмаса ҳам бўладиган, кучсиз ёки кўрқоқ одамни ҳақоратлаш, яъни “тубан қасос” маъносини билдиради.

Montrer le bout de l'oreille (L'Ane vetu de la peau de lion). Масалда эшак шер териси билан ниқобланиб олади. Кўриниб қолган қулоқларининг учи эса унинг сирини фош қилиб қўяди. Шунга кўра, *қулоқларининг учини кўрсатмоқ* ифодаси “беихтиёр ўз мақсадини ошкор қилиб қўймоқ” маъносини, масалнинг номи “*Шер терисини кийган эшак*” эса ботир, мард бўлиб кўринишга ҳаракат қилган, аслида, эса кўрқоқ ва журъатсиз шахсларга нисбатан қўлланилади.

Pot-au-lait de Pérette (La Laitière et le Pot-au-lait). Бечора Перрет бошини устига қўйиб олган кўзасидаги сутни сотиб, бир нечта товук жўжалари, чўчка ва сигир сотиб олишни орзу қилиб кетаётиб бошидаги кўзани тушириб юборади ва у билан бирга барча орзулари ҳам парчаланиб кетади. Шунинг учун *Перретнинг сутли кўзаси* “пучга чиққан орзулар” маъносини англатади.

Шунингдек, *Jeux de princes* (Le jardinière et son Seigneur) – бировлар ҳисобига вақтичоғлик қилмоқ; *Montrer patte blanche* (Le Loup, la chèvre et la chevreau) – калит сўзни айтмоқ; *Tirer les marrons du feu* (Le Singe et le Chat) – бировни фойдаси учун ўзини хавф-хатарга қўймоқ; *Il est bon de parler et meilleur de se taire* (L'Ours et l'Amateur des jardins) – гапириш яхши, гапирмаслик аъло; *Joindre les deux bouts* (Le Savetier et le Financier) – аранг тирикчилик қилмоқ; *Morceau de roi* (Les Deux Perroquets, Le Roi et son fils) – ўта исталган, орзу қилинган нарса; *Ils sont trop verts* (Le Renard et les Raisins) - қизғанчик; *Vive le roi, vive la ligue* (La Souris et les deux Belettes). - ҳолатга қараб фикрини ўзгартирадиган одам; *On a souvent besoin d'un plus petit que soi* (Le

Lion et le Rat) – одам кўпинча ўзидан кичикларга ҳам муҳтож бўлиб қолади каби ифодалар ҳам Ла Фонтен қаламига мансубдир.

Француз тилида Мольер ижодига мансуб қанотли сўзлар нутқда фаол қўлланилиши билан характерланади. Масалан, унинг “Дон Жуан” комедиясига мансуб *Monsieur Dimanche* ифодаси комедиядаги бичиқчининг номи бўлиб, ҳозирда ушбу ном “бичиқчи”нинг синонимига айланган. *La naissance n'est rien où la vertu n'est pas* ифодаси “ҳақиқий олижаноблик туғилишга боғлиқ эмас”; *Par l'amour de l'humanité* ифодаси асосан кесатик маънода қўлланиб, “инсониятга муҳаббат туфайли”; *Pour des prunes* ифодаси эса “арзимаган нарсалар учун” деган маънони англатади.

Мольернинг “Тартюф” пьесасидан олинган *C'est un Tartuffe* ифодаси пьесанинг бош қаҳрамонига ишора қилади. Унинг характеридан келиб чиқиб ифода “иккиюзламачилик” тимсолига айланган. Ушбу асарда қўлларган *Ne pas se toucher du pied* ифодаси эса “анойи эмас” ёки “уни алдаб бўлмайди” деган маъноларни англатади.

Мольернинг “Les femmes savantes” комедиясидан олинган *Qui veut noyer son chien l'accuse de la rage* – ким итини чўктирмоқчи бўлса, уни қутурганликда айблайди, яъни “ёмонлик қиламан деган йўлини топади”, *Ne savoir ni A ni B* ифодаси бўлса “ҳеч нарса билмаслик”ни англатади.

Maitre Jacques Мольернинг “Avare” комедиясидаги персонажлардан бири. Асарда у ҳам аравакаш, ҳам ошпаз қиёфаларида гавдаланади. Шунга кўра *Métre Jак* “ҳамма юмушни қилаверадиган хушфел одам”нинг синонимига айланган. *Marier le Grand Turc avec la République de Venise* ифодаси “иложсиз нарсани сўрамоқ” маъносини англатади.

Pour les beaux yeux de qn – “чиройли кўзлар учун” тарзида янграйдиган бу ифода Мольернинг “Les précieuses ridicules” комедиясидан олинган. Унда персонажлардан бири ўзи ёқтирадиган аёлдан ушбу сўзларни қўллаб нолийди. Бу ибора кинояли равишда бирортасини хурсанд қилиш учун, ўзи бутунлай хоҳламаса ҳам, бирор нарса қилган ҳолатларда қўлланилади.

Vous l'avez voulu, George Dandin (George Dandin) ифодаси ўзида пьесанинг туб маъносини мужассамлаштирган. Жеорж Дандин зодагонларга ҳавас қилган деҳқон. У бир зодагон қизга уйлангандан сўнг, зўр бериб зодагон бўлиб кўринишга ҳаракат қилади ва калака қилинадиган шахсга – кўғирчоққа айланиб қолади. Охири ўзи буни фахмлаб, алам билан ўзига “Сиз шуни хоҳладингиз, Жеорж Дандин”, дейди. Шундан келиб чиқиб бу ифода киши ўз хатосини тушуниб нолиган ҳолатида қўлланилади.

Шунингдек, *Dorer la pilule* (Amphytrion) - “яхши гап билан тузламоқ”; *N’avoir plus de jambes* (Le bourgeois gentilhomme) - “жуда чарчамоқ”, “юришга холи бўлмаслик”; *Tirer sa poudre aux moineaux* (L’Ecole des Maris) - “чумчукка замбарак отмоқ” маъносини англатади. Муаллифнинг кўплаб асарларида учрайдиган *Je suis votre serviteur*, яъни “камина қулингиз” ифодаси асосан кесатиқ маънода қўлланилади.

Машҳур француз ёзувчиси Буало (1636-1711) ижодидан олинган қанотли сўзлар ҳам ўзгача характер касб этади. *Marcher sur les pas de qn* (L’Art poétique) ибораси “бировага таклид қилмоқ”; *Mettre le hola* (L’Art poétique) ибораси “бирор нарсани тугатмоқ”; *Ni Lambert ni Molière* (Repas ridicule) ифодаси “асосийси йўқ”; *Nommer un chat un chat* (Satires) ифодаси “нарсаларни ўз номи билан атамоқ”, “тўғриси айтмоқ”; *Rien n’est plus beau que le vrai, le vrai seul est aimable* (Epître à Monsieur le Marquis de Seignelay) ифодаси “хеч нарса ҳақиқатчалик ажойиб эмас, ёлғиз ҳақиқатгина ёқимли”; *Lieux communs* ибораси “ҳаммага маълум бўлган гап, фикр” маъносини англатади.

Биламизки, Корнелнинг “Cide” трагедияси жуда катта муваффақият қозонган. Шунинг учун *Beau comme le Cide* ифодаси “жуда чиройли” маъносини англатади ва у айниқса бадиий асарларга мос келади. Асардан олинган *L’Amour est un tyran qui n’épargne personne* ифодаси эса “севги шафқатсиз” деган маънода қўлланади.

Барча эртақларини яхшиликнинг ғалабаси билан яқунлаган машҳур Шарль Перронинг (1628-1703) “Raoul le chevalier de la Barbe Bleu” асарида олтига хотинини ўлдирган қонхўр, золим эр – *Barbe Bleu* ҳақида гап боради. (Фақатгина унинг еттинчи хотини акалари ёрдамида ўлимдан қутилиб қолади.) Шунга кўра, *Barbe Bleu* – *Кўк соқол* ифодаси “рашкчи ва золим шахс” синонимига айланган. Унинг яна бир қаҳрамони *Prince Charmant* “мафтункор, ёқимли йигит” маъносини англатади.

XIX–XX аср адабиёти намояндалари асарларидан олинган қанотли сўзлар ҳам француз тилида фаол ўрин тутади. Бунга мисол қилиб, Альфред де Муссе(1810-1857)ни эслатувчи қанотли сўзларни келтириш мумкин.

Poète, prends ton luth ифодаси унинг “La nuit de mai” шеърдан олинган. Шеърда шоирлар эгаллайдиган уд(музиқа асбоби)нинг классик тасвирини ифодалаб берган. Илҳом париси боқий қушга, шоир эса ўзи яратган асарга таққосланган. *Шоир, созингни ол* ифодаси “ижод қилишга чорлаш” маъносини англатади. *S’en aller comme la fumée* ифодаси муаллифнинг “Les premiers poésies” тўпламидан олинган. *Тутундек тарқалмоқ* ифодаси йўқ бўлиб

кетишни, яъни “чиппакка чикмоқ”ни билдиради. *Mon verre n'est pas grand, mais je bois dans mon verre*. Муссенинг “La coupe et les lèvres” номли шеъри ушбу сўзлар билан бошланади. Бу сўзлар орқали шоир бошқаларга тақлид қилмаслигини, ўзининг оддий, ўртаҳол қобилиятидан қаноатланишини айтади. Шунга кўра, ифода “ўз ҳолича бўлмоқ, бошқаларга тақлид қилмаслик” маъносини англатади. Муаллифнинг *On ne badine pas avec l'amour* ифодаси эса “севги билан ўйнашиб бўлмайди” деган тушунчани билдиради.

Машҳур ёзувчи Альфонс Доде (1840-1897)нинг “*Tartarin de Tarascon*”, “*Le Petit Chose*” каби асарларининг номи қанотли сўзлар сифатида янграб келмоқда. Унинг ҳар икки асари ҳам қаҳрамонларининг исмлари билан номланган. *Tartarin de Tarascon* ифодаси унинг хусусиятларидан келиб чиқиб, “вайсақи, мақтанчоқ, ёлғончи” шахсга нисбатан, *Le Petit Chose* эса ўқувчиларини кеча-ю кундуз назорат қиладиган бечора ўқитувчига нисбатан қўлланади.

Александр Дюма (ота)нинг “*Les Trois mousquetaires*” романи барчага маълум. Асар қаҳрамонларининг хусусиятларидан келиб чиқиб *Les Trois mousquetaires* ифодаси дўстлик ва жасурликнинг рамзига айланган.

Cherchez la femme! Ифодаси илк бора 1816-827 йиллари Францияда яшаган америкалик Джеймис Голлатин кундалигида қайд этилган. Бу Берийскийнинг ўлими билан боғлиқ бўлиб Голлатин уни “ушбу жиноятда аёл киши аралашган” деган маънода қўллаган. Лекин ифоданинг оммалашиб кетиши Дюма(ота)нинг “*Mohicans de Paris*” (1864) асари билан боғлиқ. Ҳозирда ушбу ибора мажозий маънода “аёлларга хушомад қилиб чарчамайдиган эркак”ка нисбатан қўлланилади.

Dame aux Camélias. Александр Дюма(ўғил)нинг шу номли пьесаси қаҳрамони камелия гулини жуда яхши кўрадиган бир енгилтак аёл бўлган. Шунга кўра ифода “енгилтак аёл”ни ифодалайди.

Touer le mandarin ифодаси Бальзакнинг “*Le père Goriot*” (1834) романида қўлланган ва “жазоланмаслигини билиб хиёнат қилмоқ” маъносини билдиради.

Кўринадикки, француз адабиётидан олинган бу каби “қанотли сўзлар” чуқур фикрларни аниқ ва образли ифодалаш, мураккаб ҳолат ва характерларни лўнда қилиб очиб беришга хизмат қиладди. Ушбу оғиздан-оғизга ўтиб келаётган маънодор, ўткир ифодаларнинг ҳаётимиздаги ўрни, уларнинг қўлланилувчанлиги муаллифларнинг инсоният тараққиёти йўлидаги фаолиятларини кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Kaminer A. Ecrivains francais. Morceaux choisis. – Moscou, 1964.
2. Le petit Larousse. Dictionnaire encyclopédique. – Paris, 1993.
3. Назарян А. Г. Почему так говорят по-французски. – Москва, 1968.
4. Тимескова И. Н. Les citations françaises. – Ленинград, 1974.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-5 жилдлар. – Тошкент, 2006–2008.